

## Муносиб эътироф



14:55 / 30.08.2023 1949

Президент фармонига мувофиқ марҳум шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф олий даражали «Имом Бухорий» ордени билан тақдирландилар. Бугун ушбу мукофотни «Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф» масжидининг имом-хатиби, шайх ҳазратларининг фарзанди Исмоилжон Муҳаммад Содик қабул қилиб олди.

**Марҳум шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфни «Олий Даражали Имом Бухорий» ордени билан мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**

Ўзининг серқирра фаолияти ҳамда беқиёс илмий-маърифий мероси билан ислоний тафаккур ва маданиятни равнақ топтириш, муқаддас динимизнинг улуғ инсоний ғояларини халқимизга етказиш, машхур уламоларимизнинг бебаҳо асарларини чуқур тадқиқ этиш, турли мамлакат

ва ўлкаларда кенг тарғиб қилиш борасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, халқаро миқёсда динлараро мулоқотни йўлга қўйиш, миллат ва элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик ва аҳилликни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қўшган улкан ҳиссаси, диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаган етук мутахассисларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги алоҳида хизматлари учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг собиқ раиси, муфтий, марҳум шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф олий даражали «Имом Бухорий» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Ш.Мирзиёев**